

# СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА- БАРКАМОЛ АВЛОД ПОЙДЕВОРИ



II  
илмий-  
амалий  
анжуман

Республика олий ўқув юртларининг профессор-  
ўқитувчилари, тадқиқотчи-изланувчилари ва  
магистрлари ҳамда иқтидорли талабаларининг  
II илмий-амалий анжумани материаллари  
тўплами



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ  
ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

Хотин-қизлар қўмитаси бошланғич ташкилоти ва “Олима”  
уюшмаси

# СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА– БАРКАМОЛ АВЛОД ПОЙДЕВОРИ

*Республика олий ўқув юртларининг профессор-ўқитув-  
чилари, тадқиқотчи-изланувчилари ва магистрлари  
ҳамда иқтидорли талабаларининг II илмий-амалий  
анжумани материаллари тўплами*

Андижон - 2016  
“Ҳаёт” нашриёти

- 48. Z. Sayfutdinova**  
Role of technology in language learning .....127
- 49. М. Маҳкамова**  
Инглиз тилини ўргатишда замонавий усуллардан  
фойдаланиш.....128
- 50. Н. Одилова**  
Инглиз тилидаги бизнесга оид расмий ёзишмаларни ўзбек  
тилигатаржимақилишда стилистик норманинг роли.....130
- 51. Н. Очилова**  
Таълим сифати ва самарадорлигини таъминлашда замонавий,  
инновацион ва ахборот-коммуникация технологияларини  
аҳамияти.....132
- Н. Одилова**  
Инглиз тилида модал сўзларнинг структурал-семантик ва  
функционал хусусиятлари .....134
- 52. N. Ochilova**  
The principle ways of forming words in modern english.....136
- 53. Н. Одилова, Ф. Н. Исроилов**  
Расмий ёзишмаларнинг тил услубий қатламлари орасида  
тутган ўрни .....138
- 54. Z. Sayfutdinova**  
How to effectively use games at english lesson.....142
- 55. Н. Абдуллаева**  
Communicative Language Teaching .....143
- 56. Н. Муминова**  
The categories of vocabulary for ESP students.....146
- 57. D. U. Egamberdiyeva**  
O'quvchilar mustaqil ishlarini tashkil etishda foydalaniladigan  
tarqatma materiallar.....148
- 58. А. Г. Кожевникова, Г. Рахмонова, Р. Солиева, А. А.  
Мусаев,  
С. С. Кожевников, Ш. Юлдашева**  
Исследования вредоносности сосущих вредителей клопов  
и цикад на хлопчатнике различных сортов, выведенных в  
Андижанском сельскохозяйственном институте .....155
- 59. М. Н. Юсупова, У. Баходиров, Х. Нўъмонов**  
Мевалидарахтларни зараркунандалардан ҳимоялаш.....158
- 60. Ҳ. Жўрабекова**  
Фуқаролик жамиятини барпо этиш истиқболлари.....162

## **МЕВАЛИ ДАРАХТЛАРНИ ЗАРАРКУНАНДАЛАРДАН ҲИМОЯЛАШ**

**М.Н. Юсупова - қишлоқ хўжалик фанлари номзоди,  
доцент, У. Баҳодиров - магистр,  
Х. Нўъмонов-талаба, АндҚХИ**

Мамлакатимизда ислоҳотлар босқичма-босқич, изчиллик билан олиб борилаётгани, боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларни ташкил этиш, ташкил этилган боғларда юқори ва сифатли ҳосил етиштириш имкониятларини яратиб берди. Кейинги йилларда аҳолини юқори ва сифатли арзон озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга кўнгил бурилмоқда.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда боғдорчиликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бу бежиз эмас. Чунки мазкур соҳани ривожлантириш орқали, биринчи навбатда, республикамиз аҳолисини мева ва ундан тайёрланадиган сифатли экологик маҳсулотлар билан таъминлашга эришилади. Шунингдек, мева ундан тайёрланадиган саноат маҳсулотларини четга экспорт қилиш орқали иқтисодиётга яхшигина даромад ҳам келтириши мумкин.

Мева ва узум етиштиришда, уларни ҳосилдорлигини оширишда, маҳсулот сифатини яхшилашда, ялли ҳосилни кўпайтиришда ўсимликларни зараркунанда ва касалликлар ҳамда бегона ўтларга қарши кураш муҳим аҳамиятга эгадир.

Мевалари таркибида одам организми учун зарур бўлган турли хил витаминлар ва минералларни кўплиги билан алоҳида ажралиб туради. Ўрта Осиё шароитида мевали дарахтлар турли хил зараркунанда ва касалликлар билан кучли зарарланади. Бунинг сабаби табиий иқлим шароитини қулайлиги ва озуқа манбасини етарлилигидир. Шунинг учун мевали дарахтларнинг зарари кундан-кунга ошиб бормоқда. Бу зарарни камайтириш мақсадида Андижон вилояти шароитида мевали дарахтларнинг асосий зараркунандалари биоэкологияси ўрганилиб, унга қарши уйғунлашган кураш чоралари қўлланилди.

### **Мева ўргимчакканаси**

Ўргимчаккана одатда олма дарахтига зарар етказди, аммо бошқа уруғли ва данакли мева дарахтларига ҳам тушади. Ўргимчаккана зарарланган барглари дастлаб сарғаяди, кейин эса қўнғир тусга кириб, тўкилиб кетади.

Мева ўргимчакканаси дарахт танасидаги пўстлоқлар остида ва дарахт танасидаги ёриқларнинг ичида, бегона ўтлар қолдиғи тагида, шохларда ва қисман шохлардаги куртаклар яқинида тўп-тўп бўлиб қишлайди. Зараркунанда мевали дарахтлар барги ҳужайрасининг ширасини сўриб озиқланади. Вақтида кураш тадбирлари ўтказилмаса барглари ва мевалар тўкилиб кетади. Боғ атрофида чангли кўчалар бўлса, чангни кўтарилиб дарахт баргларига ўтириши зараркунандани кўпайишига қулай шароит туғдиради. Қурғоқчилик ўргимчакканаларни кўпайишига олиб келади.

**Кураш чоралари:** - эрта кўкламда ёки кеч кузда дарахтларнинг танасини нобуд бўлган пўстлоқлардан тозалаш ва тушган чиқиндини ёқиб тозалаш; дарахтлар танасини оҳак билан оқлаш; эрта кўкламда дарахтларнинг шох-шаббаси учидан кесиб сийраклантириш; боғ қатор орасини кузда чуқур (40-45 см) қилиб шудгорлаш; дарахт атрофини яхшилаб чопиқ қилиб қўйиш; қишда яхоб суви бериш;

### **Калифорния қалқондори**

Калифорния қалқондори мева дарахтларига, резавор мева, буталарга ва манзарали ўсимликларга зарар етказди. Калифорния қалқондори жуда кўпайиб кетганда дарахт пўстлоғи ёрилиб кетади, шохларини ва ҳатто бутун дарахтларни қуритиб қўяди, мевалардаги ширани сўриб, тўқ қизил доғ туширади. Калифорния қалқондори мевали дарахти шохи, новда, барг, дарахт пўстлоғи ва мевасини зарарлайди. Натижада, дарахтлар кам ҳосил беради, кучли зарарланганда қуриб қолиши мумкин. Катта дарахтларда калифорния қалқондори дарахт пўстлоғида бўлади. Дарахт пўстлоғида узун ёриқларнинг пайдо бўлиши ушбу қалқондорларнинг кўплигидан далолат беради.

**Кураш чоралари:** - эрта кўкламда буталган шохвановдаларни

ёқиш; дарахтлар танаси тозаланиб, эски пўстлоқларни ёқиш; калий ва фосфорни ўғитлар билан ўғитлаш ва суғориш; боғларни ёшартириш;

- куз ва эрта баҳорда дайди личинкаларга қарши давомли таъсир қилувчи инсектицидлар пуркаш.

### **Олма қурти**

Бу зараркунанда 30 турда ортиқ мевали дарахтларни, кўпроқ олма, нок, ёнғоқ ва олхўрининг асосий зараркунандаси ҳисобланади. Йилига 3 та авлод беради. Ғумбак ичида катта ёшли қурт шаклида дарахт пўстлоқлари орасида, бошқа ҳимояланган жойларда ва боғичида гашохлар остида қишлайди. Эрта кўкламда бу қишлаб чиққан қуртлар ғумбакка айланади. Олма гуллаши бошланганда ғумбакдан капалаклар учиб чиқиб, олма барглари ва мева тугунчаларига тухумларини қўяди. Тухумдан чиқишда қуртлар барг ва мева эти билан, кейинчалик унинг уруғи билан озиқланади.

Ҳар бир қурт 2-3 тадан мевани зарарлайди. Мевага кирган жойида чиқиндисини қуриш мумкин. Қурт етилгандан сўнг мевадан чиқиб, дарахт устида ёки яқинида ҳимояланган ҳолда ғумбакка айланади.

#### **Кураш чоралари:**

- боғларда тутқич белбоғлари ўрнатиш; пишмай тўкилаётган олма, беҳи ва олхўрини ҳар 1-3 кунда териб олиш.

- олма қуртини йўқ қилиш учун унинг ҳар бир авлодига қарши бир мартадан кимёвий препарат пуркаш.

### **Шарқ мевахўри**

Шарқ мевахўри ички карантин объект ҳисобланиб олма, нок ва беҳи дарахтларининг меваларига худди олма қурти каби зарар етказади. Шарқ мевахўри данакли мевалардан шафтоли, олхўри, ўрикка ҳам жиддий зарар етказади. Шарқ мевахўри асосан новда ва мевани зарарлайди. Янги ўсган новда учидан кириб ўртасини ейди. Мева ичига кириб данак атрофини ейди ва етилиб мева ичидан чиқади ва ғумбакка айланади.

**Кураш чоралари:**

- боғларда тутқич белбоғлар ўрнатиш. пишмай тўкилаётган меваларни ҳар 1-3 кунда териб олиш.
- мева қуртини йўқ қилиш учун унинг ҳар бир авлодига қарши бир мартадан кимёвий препарат пуркаш.

### **Анжир парвонаси**

Анжир парвонасининг қуртлари, анжир барглари ва меваларига зарар етказиб, ҳосилни камайтиради ва сифатини пасайтиради. Баъзан айрим анжир тўпларининг ҳамма меваларига зарар етказиши, одатда, бу ҳашаротга қарши кураш олиб борилмаганда меваларнинг 70 фоизигача зарарлайди.

**Кураш чоралари:** биринчи ва иккинчи бўғин қуртлари кўплай пайдо бўлган даврда анжир парвонасига қарши кураш учун инсектицидлар пуркалади.

### **Анор қурти**

Анор қурти анор мевасига зарар етказиши. Айрим жойларда анорнинг қуртдан зарарланиши 11,7 % дан 94,2 % гача боради, айниқса кекса дарахтлар кўп зарарланади. Баъзан анор қурти анор дарахтларининг пўстлоғига ҳам зарар етказиб, уларни қувватдан кетказиб қўяди.

#### **Кураш чоралари:**

- анор қуртининг кўпайиб кетишига йўл қўймаслик учун тўкилган анорни мунтазам териб олиш керак.
- дарахтларнинг илдизга яқин қисмига оҳак суриш тавсия этилади.
- анор қуртини йўқотиш учун давомли таъсир этувчи инсектицидлардан фойдаланиш тавсия этилади.

**М.Н.Юсупова қ.х.ф.н. доцент , У Боходиров магистр,  
Х.Нумонов талаба “ Мевали дарахтларни зараркунандалардан  
химоялаш” номли мақолага ёзилган**

## **ТАҚРИЗ**

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда боғдорчиликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бу бежиз эмас. Чунки мазкур сохани ривожлантириш орқали, биринчи навбатда, республикамиз аҳолисини мева ва ундан тайёрланадиган сифатли экологик маҳсулотлар билан таъминлашга эришилади. Шунингдек, мева ундан тайёрланадиган саноат маҳсулотларини четга экспорт қилиш орқали иқтисодийга яхшигина даромад ҳам келтириши мумкин.

Мева ва узум етиштиришда, уларни ҳосилдорлигини оширишда, маҳсулот сифатини яхшилашда, ялпи ҳосилни кўпайтиришда ўсимликларни зараркунанда ва касалликлар ҳамда бегона ўтларга қарши кураш муҳим аҳамиятга эгадир.

Мевалар таркибида одам организмиде учун зарур бўлган турли хил витаминлар ва минералларни кўплиги билан алоҳида ажралиб туради. Ўрта Осиё шароитида мевали дарахтлар турли хил зараркунанда ва касалликлар билан кучли зарарланади. Бунинг сабаби табиий иқлим шароитини қулайлиги ва озуқа манбасини етарлилигидир. Шунинг учун мевали дарахтларнинг зараркунандалар зарари кундан кунга ошиб бормоқда. Бу зарарни камайтириш мақсадида Андижон вилояти шароитида мевали дарахтларнинг асосий зараркунандари биоэкологияси ўрганилиб унга қарши уйғунлашган кураш чораларига бағишланган мақола ёзилган.

Умуман хулоса қилиб таъкидлашмики “Мевали дарахтларни зараркунандалардан химоялаш” номли мақола ўсимликлар химояси мутахассислиги бўйича илмий соҳада қўллаш мумкин.

Ушбу мақолани электрон версиясини ахборот таълим ресурси ( ЕАТР) сифатида ЎзРОЎМТВ қошидаги Ziyonet ресурс маркази бўлимида рўйхатдан ўтказишга тавсия этаман.

Батаника ва агроботехнология  
кафедраси, доценти



*Ш.К. Алиев*

Алиев Ш.К.

**М.Н.Юсупова к.х.ф.н.доцент , У Боходиров магистр,  
Х.Нумонов талаба “ Мевали дарахтларни зараркунандалардан  
химоялаш” номли мақолага ёзилган**

## **ТАҚРИЗ**

Мамлакатимизда ислохотлар босқичма-босқич, изчиллик билан олиб борилаётгани, боғдорчиликка иқтисослашган фермер хўжаликларни ташкил этиш, ташкил этилган боғларда юқори ва сифатли ҳосил етиштириш имкониятларини яратиб берди. Кейинги йилларда аҳолини юқори ва сифатли арзон озиқ-овқат махсулотлари билан таъминлашга катта эътибор берилмоқда.

Мевали дарахтлар турли хил зараркунанда ва касалликлар билан кучли зарарланади. Бунинг сабаби табиий иқлим шароитини қулайлиги ва озуқа манбасини етарлилигидир. Мевали дарахтида хашаротлар озиқланиш жихатидан турли гуруҳ бўғим оёқли хайвонлар наъмуналари, жумладан барг, мева, илдиз зараркунандаларини учратиш мумкин. Шунинг учун мевали дарахтларнинг зарари кундан кунга ошиб бормоқда. Ушбу мақола бу зарарни камайтириш мақсадида ёзилган. Мақолада Андижон вилояти шароитида мевали дарахтларнинг асосий зараркунандари биоэкологияси ўрганилиб унга қарши кураш чоралари қўллаш бўйича тажрибалар олиб борилди.

Умуман хулоса қилиб такидлаймизки “Мевали дарахтларни зараркунандалардан ҳимоялаш”номли мақола ўсимликлар химояси мутахассислиги бўйича ишлаб чиқаришда қўллаш мумкин.

Ушбу мақолани электрон версиясини ахборот таълим ресурси ( ЕАТР) сифатида ЎзРОЎМТВ қошидаги Ziyonet ресус маркази бўлимида рўйхатдан ўтказишга тавсия этаман.

Андижон “Агрокимё химоя  
ХАЖ Андижон туман филиали  
мудир ўринбосари



Каримов Б